

*“Бухорони туризм чоррахасига айлантириш
имкониятлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий
конференция*

*International Scientific and Practical
conference on “Opportunities to turn Bukhara into a tourist
crossroads”*

*Международная научно-практическая
конференция на тему “Возможности превратить
Бухару в туристический перекресток”*

**МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ
CONFERENCE PROCEEDINGS
СБОРНИК СТАТЕЙ**



“Бухорони туризм чоррахасига айлантириш имкониятлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. 2019 йил 29 май. -Бухоро: 2019. (2-қисм)

Мазкур тўпланда 2019 йил 29 май куни Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи ҳамда Бухоро давлат университети Туризм кафедраси билан ҳамкорликда ўтказилган “Бухорони туризм чоррахасига айлантириш имкониятлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциянинг мақолалари акс эттирилган.

Анжуман тўпамидан Олий ва касб-ҳунар таълими, умумтаълим мактаб ўқитувчилари, катта илмий ходим, мустақил тадқиқотчи ва изланувчилар, магистр ва бакалавр талабалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқувчилари фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррирлар:

Б.С.Исомов – Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи, и.ф.н., доцент

С.С.Рўзиев – Бухоро давлат университети, и.ф.н., доцент

С.У.Тожиева – Бухоро давлат университети Туризм кафедраси мудир, и.ф.н., доцент

Ташкилий қўмита:

1. Б.Н. Наврўз-зода – БухДУ Туризм кафедраси профессори, и.ф.д.
2. А.Т. Жўраев – БухДУ Туризм факултети декани, и.ф.н., доцент.
3. Ҳ.Р.Ҳамроев – БухДУ Туризм кафедраси, и.ф.н., доцент.
4. Д.Ш.Явмутов – БухДУ, и.ф.н., доцент.
5. М.М.Таирова – БухДУ Иқтисодиёт кафедраси доценти, и.ф.н.
6. М.Ҳ.Қиличов – БухДУ Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи
7. О.К.Хуррамов – БухДУ Туризм кафедраси катта ўқитувчиси
8. Э.А.Фарманов – БухДУ Туризм кафедраси ўқитувчиси
9. М.М.Аслонов – Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи директор ўринбосари
- 10 Қ.Х.Бобомуродов – Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи директор ўринбосари

Мазкур тўпланда киритилган мақолаларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар, саналарнинг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг шахсан ўзлари масъулдир.

- Туризм нафақат ҳудудга даромад олиб келади, балки маҳаллий аҳолига ўз меросидан фахрланиш туйғусини бериб, сайёҳлар билан бўлишиш имкониятини тақдим этади. Агар жамият туризм учун заҳиралардан рационал фойдаланиш тизимини ярата олса, у тараққий топади.

Туризмнинг жадал ривожланиши ва потенциал туристларни ёппасига жалб этиш маданий, тарихий ва маданий заҳираларни сақлашга йўналтирилган ҳаракатларга боғлиқ. Тарихий-маданий ва табиий потенциалдан фойдаланиш бўйича дастурни амалга ошириш муҳим муаммолардан бирини, яъни талабнинг мавсумийлиги муаммосини ҳал этади. Маданият элементларини талаб этадиган мавсумий туризм шаклларини тақлиф этиш орқали бу иш амалга ошади. Маданият туристларда саёҳатга нисбатан кучли мотивни уйғотади. Шунинг учун маданий меросни сақлаш ва ундан рационал фойдаланиш туристлар оқимини оширади ҳамда аниқ туристик йўналишнинг оммавийлашишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

Бабкин.А.В. Специальные виды туризма. М., 2008, Б.10.(www.tourismnet.com)

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ — ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ КўПРИК.

Ҳожиева Гулчехра Салимовна,
Мустақил тадқиқотчи,
Бухоро давлат университети

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола Мир Алишер Навоийнинг бой ҳаёт ва ижод йўли, мустақиллик йилларида Навоий меросини ўрганиш бўйича амалга оширилаётган сай-ҳаракатлар, хусусан, француз олимлари билан ҳамкорликда яратилган таржима асарлар хусусида сўз боради.

Ҳар бир халқнинг миллий ўзлигини англаши ва миллат бўлиб шаклланишида шубҳасиз, унинг адабий мероси ва адабиёт дарғаларининг ўрни бекиёсдир. Ўзбек тилининг асоси бўлган туркий тилнинг бекиёс гўзаллагини кашф этган, нақадар сўзга бой эканлигини ўзининг беназир ижоди орқали кўрсатиб берган Мир Алишер Навоий ҳам, ўзбек тили ва адабиётининг, қолаверса, дунё адабиётшунослигининг улуғ мутафаккирларидан саналади.

Таъкидлаш жоизки, Навоийнинг юксак бадииятга йўғрилган барча асарлари замирида комил инсон ва уни тарбиялаш, комилликка етаклаш, ундаш ғоялари ётади. Шу боисдан мустақиллик шарофати билан изчил ўрганила бошланган Навоий ижоди сўнгги йилларда, айниқса янги босқичга кўтарилди. Ая шу ёндашув хорижий таржимонларни ўзига жалб этган асосий мезон бўлиб, узоқ йиллар буён кўпгина олимлар томонидан Навоий ғазаллари ва дostonларини тадқиқ этиб келинмоқда. Ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослигида қиёсий ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортгани сайин, Навоий яранган ижодий меъросни тадқиқ этиш баробарида уни хорижий тилларга таржима қилиш ва қиёсий ўрганишга аҳамият қаратилаётганлиги дунё адабиётшуносларини ҳам бу борада тадқиқотлар олиб боришга ва Алишер Навоийнинг ижодий меросини хорижий тилларга, жумладан, инглиз, француз ва немис тилларига таржима қилиниб, дунё аҳлига намоий этилишига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, “Лисон-ут-тайр” асарини инглиз тилига таржима қилган канадалик Гарри Дикнинг Алишер Навоийга бағишланган “Кўнгил боғининг боғбони” номли мақоласи ўзбек тилида чоп этилган. Мақола муаллифи Навоийдан шунчалик таъсирланган эдики, у шоирнинг бутун ижодини тезроқ ўз юртдошларига етказиб бериш истагини билдирган ҳолда, Навоийни “шоирим” деб атади ва уни кўнгил боғининг боғбонига қиёслади. Боиси Ғарбадаги тараққиёт бўҳронлари кишиларнинг моддий-маиший турмушга берилиб кетаётгани ва оқибатда маънавий инқирозга йўл тутаётган жараёнда кимдир кўзни очиши, ёхуд Гарри Дик таъбири билан айтганда “ажриқ босиб кетган боғни тозалаб, парваришлаши керак”. Шундай муҳим масалада Навоий асарларига мурожаат этилишининг ўзи-да, адиб шахси ва ижодига билдирилган юксак ишонч ҳамда эҳтиром демакдир.

2000 йилда Й.Парда, Л.Кметюк ва К.Маъмуровлар томонидан улуғ мутафаккир асарларининг инглиз ва немис тилларидаги таржимаси “Уммондан дурлар. Ғазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар” номи билан нашр этилди. [1.]

Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган Франция давлати ўртасидаги маданий алоқалар, истиқлол йилларида айниқса мустаҳкамланиб бориши натижасида француз олимларининг ҳам Навоий ижодига қизиқиши тобора ортаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, 1991 йилда Orphée La Différence нашриёти томонидан чоп этилган “Gazels et autres poèmes” китобида келтирилган Алишер Навоий ғазаллари Ҳамид Исмоилов ва Жан Пьер Балп томонидан француз тилига таржима қилинган эди (traduit de l'ouzbek par Hamid Ismailov - Alisher Navoi, Adapté par Jean-Pierre Balpe. Gazels et autres poèmes, Orphée - La Différence). Китобда таржимонлар томонидан Навоий ҳаёти ва ижодиёти хусусидаги қисқача маълумот билан бирга унинг асарлари библиографияси, шунингдек, “ғазал”, “қитъа”, “рубойй”, “чистон”, “муҳаммас”, “фард”, “мустаҳзод” каби адабий жанрлар таърифи ҳамда уларга араб ва француз тилларида намуналар келтирилган:

Attendant ma lune je jette mes regards de tous côtés :

tant que je ferme puis j'ouvre les yeux, les larmes restent éloignées.

Quémendeur, je suis le chien errant sur la route :

le chien devant, je vais derrière.

Si croyants et sages viennent semer le trouble en mon âme, aux brèches de mon coeur, tristesse et douleur se dressent comme gardes.

Même si tu ne la vois pas l'eau éteint les flammes, l'une après l'autre :

larme après larme, les pleurs s'assèchent aux épines des cils.

Je sais qu'entre tes lèvres, dans ta bouche, le sel de ta langue est comme le dard à miel de l'abeille perçant le pétale de rose.

Ermite, songeant à tous moments à cet abri qu'est la méditation,

tant que je vis, je ne quitterai pas ce monde.

Ne parle pas Navoi, emplis ton verre encore :

à toujours le remplir, tu finiras par t'y noyer.

2008 йилда Францияда Алишер Навоийнинг 30 та ғазали таржимонлар Муродхон Эргашев ва Жан Жак Гате ҳамкорлиги остида “Gazel” номи билан “Георама” нашриётида чоп этилди (Traduction et adaptation Mouroukhon Ergashev – Jean-Jacques Gaté. Illustrations Jahongir Ashurov. Géorama.) Тўпламда Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилиниб, ғазалларининг французча таржимаси рассом Жаҳонгир Ашуров томонидан ишланган миниатюралар асосида берилган.

2016 йилда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фонди Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги муносабати билан Франция Миллий кутубхонаси томонидан тақдим этилган француз тилидаги китоблар билан тўлдирилди. [2.]

Юқорида келтирилган фактлардан хулоса қилиб, Навоий ижодий оламининг турли қирралари юртимиз олимлари ва хорижий мутахассислар томонидан йилдан-йилга чуқурроқ таҳлил этилётгани ва бу йўлда француз олимларининг ҳам ҳиссаси бекиёс эканлигини таъкидлаш мумкин. Зеро икки мамлакат илм-фан фидойиларининг сай-ҳаракатлари ўлароқ, бугун Францияда ҳам “Навоий нафаси уфурмоқда”, олти аср муқаддам яшаб ўтган бобокалонимизнинг дурдона асарлари XXI асрда ҳам француз-ўзбек халқлари ўртасида маънавий кўприк бўлиб хизмат қилмоқда...

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

<http://uza.uz> Gulnoza Odilova, Mirzo Ulugʻbek nomidagi Oʻzbekiston Milliy universiteti dotsenti.

<https://daryo.uz>

ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ
ЕЧИМЛАРИ ХУСУСИДА

У.Т.Норбоева, А.Э. Холлиев (БухДУ)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БухДУ “ Иқтисодиёт ”кафедраси мудри в.б катта ўқитувчи Абдуллоев А.Ж	91
BUYUK IRAK YO‘LINING BEQIYOS ANAMIYATI Qutliyeva M. Buxoro iqtisodiyot va bank kolleji	93
ISH BILAN BANDLIK DARAJASI VA UNING TARKIBINI ANIQLASHNING USLUBIY JIHATLARI Avezova R.Yu. Buxoro iqtisodiyot va bank kolleji	95
КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИ УЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ БухДУ “ Иқтисодиёт ”кафедраси мудри в.б катта ўқитувчи Абдуллоев А.Ж. Жунайдуллоев .Д.А БухДУ талабаси	97
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СТРАТЕГИК ҲАРАКАТЛАР ЙЎНАЛИШИ БухДУ “ Иқтисодиёт ”кафедраси мудри в.б катта ўқитувчи Абдуллоев А.Ж., БухДУ ўқитувчиси Ниязов.Э.Ш Жунайдуллоев .М.А БухДУ талабаси	100
РОЛЬ ИНТЕРНЕТА В ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТУРФИРМЫ Нурова Д. Бухарский колледж экономики и банка	102
ЗНАЧЕНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ДЛЯ ТУРИЗМА Авезов Т. О. Муниципальный центр ХТХQTUMO Бухарской области	105
МАНАЛЛИЙ МЕНМОНДОРЧИЛИК, ОВҚАТЛАНИШ BIZNESI HAMDA ICHKI TURIZM – SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA GRAFIKANING O‘RNI Sayidova Nazokat Sayfullayevna Buxoro davlat universiteti “Axborot texnologiyalari” kafedrasida dotsenti, fizika-matematika fanlari nomzodi	107
TURIZM SOHASIDA INTERNET, FACEBOOK SAYTI VA UN DAN FOYDALANISH YO‘LLARI Berdiyeva Sarvinov Mamadradjabovna. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Buxoro akademik litsey informatika va AT fani kata o`qituvchisi Ortiqova Muhiba Yusufovna. Buxoro viloyati G`ijduvon tuman 19-umumiy o`rta ta`lim maktabi informatika va AT fani o`qituvchisi	110
ROLE OF PILGRIMAGE TOURISM IN BUKHARA REGION M.X.Kurbanova, BSU, lecturer	113
SIGNIFICANCE OF GLOBAL DISTRIBUTION SYSTEMS IN HOTEL INDUSTRY Otabek Jalolov master student, Bukhara State University	115
ПОЙКЕНТ МУЗЕЙИ ВА УНИНГ ТАВСИФИ Очилов Алишер Тўлис ўғли-БухДУ ўқитувчиси	118
ГОСТИНИЧНЫЙ БИЗНЕС КАК ОСНОВА РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА И ИНДУСТРИИ ГОСТЕПРИИМСТВА С.А. Файзиева Узбекистан, БГУ	121
МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎРИҚЛАШНИНГ ҲУКУҚИЙ АСОСЛАРИ Очилова Нигора Махмуджоновна. БухДУ Факултетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси	125
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАР ВА ҚОНУН Абулова З. А..БухДУ Факултетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси	127
АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖОДИ — ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ КўПРИК. Ҳожиева Гулчеҳра Салимовна, Мустақил тадқиқотчи, Бухоро давлат университети	128
ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ ХУСУСИДА У.Т.Норбоева, А.Э. Холлиев (БухДУ)	130